БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 260 (19.636). • 1986 йил 18 ноябрь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

*Кеча Москвада, Катта Кремль саройида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлади*



Москва, Кремль, 1986 йил 17 ноябрь. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети қўшма мажлиси.

# ЙЎЛИМИЗ—СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

## *Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси*

Совет халқи ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилини олға томон ҳаракат, изланиш ва янгиланиш вазиятида тугалламоқда. Партиямиз билан халқимиз КПСС XXVII съезди белгилаб берган йўлга қатъий амал қилиб, бажарилган ишларга талабчанлик билан ва реал баҳо бериб, Октябрь Ватани янада бадавлат ва қудратлироқ бўлиши учун амалга ошириш зарур бўлган ишларга новаторлик билан ёндашмоқда.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессиясига тўпланган депутатлар барча илғор, ижобий нарсаларни қўллаб-қувватлашни, халқ хўжалигининг, умуман мамлакат ҳаётининг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга янгича ёндашувларни белгилаб олишни ўз вазифалари деб билмоқдалар. Сессия 17 ноябрь куни Катта Кремль саройида палаталарнинг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, С. Л. Соколов, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисни СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси **А. Э. Восс** очди.

Сессия кун тартиби ва унинг иш тартиби бир овоздан тасдиқланади. Муҳокамага қуйидаги масалалар киритилди:

1. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат планининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

2. СССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1985 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

3. СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисида.

4. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.

5. СССР Олий Совети Президиуми Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Депутатлар сессия кун тартибининг биринчи масаласини кўриб чиқишга киришадилар. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда 1986 йилги план қандай бажарилаётганлиги ҳақида доклад қилиш учун СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат **Н. В. Тализин**га сўз берилади.

СССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1985 йилги бюджетнинг ижроси ҳақида СССР молия министри депутат **Б. И. Гостев** доклад қилди.

СССР Фанлар академиясининг президенти депутат **Г. И. Марчук**ка сўз берилади. 1987 йилги планни СССР Фанлар академияси экономикамизни умуман қайта қуриш позицияларида туриб, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш истиқболлари позицияларида туриб таҳлил этмоқда, деди у.

1987 йил планининг таҳлили бу планда фан-техника тараққиётининг асосий концепциялари акс эттирилганини ва ривожлантирилганини кўрсатмоқда. Бу концепцияларнинг рўёбга чиқарилиши халқ хўжалиги тармоқларининг техника ва технологиянинг энг юқори марраларига чиқиб олишига кўмаклашади.

Замонавий энг янги технология лойиҳаларини ишлаб чиқаришга жорий этганда комплекс автоматлаштириш билан бирга энг юксак халқ хўжалик иқтисодий самарадорлигига эришилади. Шу сабабли материалларни лазер, плазма, радиация ва импульс усулида ишлаш, порошокли металлургия ва бошқа технология жараёнларини ишлаб чиқаришда ўзлаштириш топшириқлари план лойиҳасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Бу технологиялар аввало тармоқлараро фан-техника комплексларида амалга оширилади.

План лойиҳасида агросаноат комплексидаги фан-техника тараққиёти масалаларига кўп эътибор берилди.

Г. И. Марчук фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва улардан фойдаланишга диққат-эътиборни қаратди. Давлат плани лойиҳасида техника, материаллар ва технологияларнинг СССР Фанлар академияси, иттифоқдош республикалар фанлар академиялари ва етакчи олий ўқув юртларининг олимлари ишлаб чиққан принципиал янги туркумларини жорий этишга оид кўпгина топшириқлар баён этилган. Академия илмий муассасаларининг тахминан 300 та тугал йирик ишлари ва олий ўқув юртларининг 400 та ишланмаси халқ хўжалиги тармоқлари билан бевосита алоқалар асосида жорий қилинади.

Бутун ташкилий-хўжалик механизмини қайта қуриш вазифалари академияни бошқариш структурасини ва системасини қайта қуришни талаб қилди, деб уқтирди нотиқ. Унинг асосий бўғини — Фанлар академиясининг ихтисослаштирилган бўлимлари роли оширилмоқда, институтларнинг структураси такомиллаштирилмоқда.

ВЦСПС раиси депутат **С. А. Шалаев** минбарга чиқади. ВЦСПС меҳнат коллективларининг энг муҳим таклифларини СССР Госпланига ва СССР Молия министрлигига киритди, шу таклифлар Давлат плани ва бюджети лойиҳаларида ўз ифодасини топди, деб таъкидлади у.

Беш йиллик иккинчи йили планининг рўёбга чиқарилиши, деб таъкидлади депутат, бошқарувнинг барча бўғинларидан, ҳар бир меҳнат коллективидан зўр ғайрат билан ишлашни, ҳамма резервларни сафарбар қилишни, ишга ижодий ёндашишни талаб қилади.

Муқобил планлар ҳисобига энг камёб маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қўшимча ресурслар олиниши мумкин. Ҳозиргача 800 тадан кўпроқ корхона коллективи беш йилликнинг келгуси йилдаги топшириқларидан ошиб кетадиган муқобил планлар қабул қилди.

Бироқ аҳолининг молларга ва хизматларга бўлган талабини тўла-тўкис қондириш план лойиҳасида ҳали кўзда тутилгани йўқ, бу проблеманинг ҳал этилиши энг муҳим вазифалардан бирилигича қолмоқда.

Келгуси йилда меҳнат шароитларини ва унинг муҳофаза қилинишини яхшилаш юзасидан янги кенг кўламдаги тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Гарчи келгуси йилги план лойиҳасида социал ривожланиш комплекс бўлими мавжуд бўлса-да, ҳали унда ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитларини ва унинг муҳофаза қилинишини тубдан яхшилашга оид тадбирларнинг умумдавлат аҳамиятига молик эканлиги етарли равишда акс эттирилмаган.

Касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақани янги поғонага кўтаришни, уни формализм ва расмиятчилик сарқитларидан тозалашни, меҳнаткашлар орасидаги ташкилотчилик, ишлаб чиқариш-оммавий, иқтисодий ва тарбиявий ишнинг ҳамма формалари ёрдамида экономикага, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга ўз таъсирини кучайтиришни ўз вазифаси деб билмоқда, деди депутат.

Шу билан СССР Олий Советининг палаталарининг биринчи қўшма мажлиси ёпилди.

(ТАСС).

# ҚАЙТА ҚУРИШДАГИ ПОЗИЦИЯ

ПРАВДА
Орган Центрального Комитета КПСС

**Сўз бошқа-ю, иш бошқа деб бежиз айтишмайди. Иш билан сўз бир бўлган жойда чинакам муваффақиятга тезроқ эришилади. Мамлакатда авж олдириб юборилган қайта қуриш буни кўпгина мисоллар билан тасдиқламоқда. Мана бир конкрет мисолни олиб кўрайлик.**

Эстониядаги Тарту ва Харьюс районларининг шароити тахминан бир хил. Ҳар иккала районда қуёш бир хилда иситади ёки баб-баравар ёмғир ёғади. Ерларнинг ҳосилдорлигида, анг шу районларга техника ва ўғит етказиб беришда ҳам катта тафовут йўқ. Аммо агар Тарту райони бир неча йилдан бери қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш соҳасида бир жойда туриб қолаётган, район хўжаликларининг учдан икки қисми давлатга сут ва гўшт сотиш план топшириқларини бажармаётган бўлса, Харьюс райони эса кейинги вақтда кескин олға силжиди.

Бундай қарама-қарши ҳолнинг сабаби нимада! Гап шундаки, район партия комитетлари ва уларнинг биринчи секретарлари ўз ишларини турлича ташкил этмоқдалар. Тарту район комитетида қайта қуришни оғиздагина ёқлаб чиқмоқдалар, амалда эса эскичасига иш юритмоқдалар. Кўпгина ташаббусларни бошлайдилар-у, аммо уларни амалга оширмайдилар ва охирига етказмайдилар. Мазкур районда қолоқ хўжаликлар ишини пухта ўрганиб чиқиш, таҳлил этиш ҳамда раҳбарлар ва партия ташкилотларининг куч-ғайратларини энг муҳим проблемаларни ҳал этишга сафарбар қилиш ўрнига илгаригидек дабдабали даъватларга ўралашиб қолганлар.

Харьюс район партия комитети ходимлари бошқача позицияда туриб иш олиб бормоқдалар. Бу ерда асосий эътиборни кадрларга нисбатан талабчанликка, уларнинг ташаббусини ва мустақиллигини ривожлантиришга қаратиб, ўзларининг иш услубини ҳақиқатан ҳам қайта қурмоқдалар. Майда-чуйда ишларга васийлик қилиш, раҳбарлар ва мутахассисларни тез-тез район марказига чақириб туришларга қатъиян барҳам берилди. Ҳар хил мажлислар ва кенгашлар иложи борича қисқартирилди. Лекин перспектив ривожланиш масалаларига, социал проблемаларга, интизомни мустаҳкамлаш масалаларига энг кўп даражада эътибор берилмоқда.

Қайта қуриш жараёни тўхтовсиз илгарилаб бормоқда. Ўзгаришлар жамиятимиз турмушининг барча соҳаларини қамраб олди. Кун сайин тобора кенг омма мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга оид жуда катта, қизғин ишларга амалда қўшилмоқда. Мана шу бурилиш палласида ўз қарашларимизни, ўз баҳо ва ёндашувларимизни қайта ўйлаб кўриш, кундалик ишларнинг аҳамиятини англаш ҳар бир кичик, энг оддий ишда ишнинг катта аҳамиятга эга эканлигини кўра билиш ишчидан тортиб министргача ҳар биримиз учун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Қайта қуриш жараёнидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Давр қайта қуришда ҳар бир кишининг шахсий позицияси тўғрисидаги, партия XXVII съезди қарорларининг тақдири учун шахсий масъулият тўғрисидаги масалани ҳар бир кишининг олдига ўткир қилиб қўймоқда. Партия йиғилишларида, партия комитетлари ва бюроларининг мажлисларида, ўзаро ўртоқларча гаплашувларда: «Сен ўзинг ишни яхшилаш, маҳсулот сифатини ошириш учун нималар қилдинг! Меҳнат янада самарали, турмуш янада фаровон бўлиши учун қандай аниқ чоралар кўрдинг!» — деган саволлар тез-тез эшитилиб туради. Минбардан туриб қайта қуришни баландпарвоз сўзлар билан маъқуллаш ўз-ўзича ҳеч нарсани ўзгартирмаслиги тушунарлидир. Янгиликни жиддий, чуқур, амалий жиҳатдан ташкил этиш талаб қилинади. «Ҳақиқатга... рози бўлиб имзо чекиш, унга қўшилишга онт ичиш, уни оғизда тан олиш бошқа-ю, уни турмушга татбиқ эта билиш бошқа нарса», — деб огоҳлантирган эди В. И. Ленин.

Ҳақиқатан ҳам агар жонли ишнинг ўрнини сафсатабозлик, қайта қуришга оид амалий тадбирлар ўрнини асоссиз хом хаёллар эгаллайдиган бўлса, белгиланган жадаллаштиришда озгина бўлса-да силжишга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бюрократизм ва расмиятчиликка, бекорчилик ва олғирликка, хўжасизлик ва сафсатабозликка қарши муросасиз курашишимиз зарур. Бирдан-бир мезон: ишлар амалда қандай бораётганлигига қараб иш самарадорлигига баҳо бериш мумкин. Бошқача баҳо бўлиши мумкин эмас.

Ҳозир партия ташкилотлари ҳар бир меҳнаткаш, айниқса коммунист қайта қуришда фаол қатнашиши учун кўп иш қилмоқдалар. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу соҳада жиддий ишлар қилинаётганлигидан далолат берувчи кўпгина фактлар келтирилди. Масалан, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини белгилаб берувчи қоғозлар оқими қисқармоқда. Уларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантириш учун кўпроқ имкониятлар берилмоқда. Ошкоралик ва қабул қилинаётган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат, шунингдек топширилган иш соҳаси учун талаб кучайтирилди. Демократия кенгайтирилиб, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг таъсирчанлиги оширилмоқда. Социал адолат принципларига қатъий риоя этилиши учун, ахлоқий нормалар бузилишига, меҳнатсиз даромадларга, ичкиликбозликка ва бошқа салбий ҳолатларга қарши тобора кескин кураш олиб борилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси одамларнинг фикрлашида ва уларнинг хатти-ҳаракатларида қайта қуришни амалга оширишга кўмаклашмоқда. Бироқ жойлардан олинган мисолларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, коллективларда инсон омили ролини ошириш учун ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар анчагина. Партия ва ҳукуматнинг саноат корхоналарида маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш тўғрисидаги қарорини рўёбга чиқариш учун кўпгина ишлар қилиш керак.

Партия раҳбарлиги услубининг асоси сифатида одамлар билан олиб бориладиган бевосита ишларнинг муҳимлигини ҳозирча ҳамма жойда ҳам тушуниб етмоқдалар, деб бўлмайди. Айрим жойларда қайта қуришни ўзларини узоқ давом этадиган ва қунт билан амалга ошириладиган ташкилотчилик фаолияти билан қийнаб ўтирмай, юзаки ўзгаришлар билангина чеклаб қўймоқдалар. Бундан ҳам ёмони шуки, қайта қуриш тўғрисида гапираверib, унинг «сийқасини чиқариб юбормоқдалар». Қабул қилинадиган қарорлар кўпинча узвий боғланмаган, ярим-ёрти тусда бўлиб, бир системага келтирилмаган ва етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Партия комитетлари бундай фактларга барҳам беришлари равшандир.

КПСС Ленинград шаҳар комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда батафсил ва ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан гаплашиб олинди. Шаҳарда ҳар бир киши энг кўп самара билан меҳнат қилиши учун анча иш қилинмоқда. Бироқ шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг коммунистлари орасида яқинда олиб борилган тадқиқот сўраб чиқилган кишиларнинг 60 процентдан кўпроғи партиявий ишда туб қайта қуришни ҳали сезмаётганликларини кўрсатди. Пленум қатнашчилари айтиб ўтишганидек, бундай аҳволнинг сабабларини ўзгаришларга расмий ёндашувдан, баъзи ходимларнинг янги, дадил чора-тадбирлар кўришни, бир қолипдаги ишлардан воз кечишни истамаётганларидан қидириш керак.

Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари қўшиб ёзишлар ҳисобига ҳамма нарса жойида бораётгандек ва зўр ғайрат билан иш олиб борилаётгандек қилиб кўрсатишга уриниши фактларига йўл қўйиб бўлмайди. Партия комитетлари давлатни алдашга ҳам, алдовчиларга ҳам тоқат қилмасликлари керак.

Ҳар биримиз қайта қуришда қандай позицияни танлашимиз кўп жиҳатдан ғоявий-сиёсий ишларга боғлиқдир. Қайта қуриш марказига ўз юмушлари ва муаммолари бўлган конкрет инсонни қўйиш керак. Баъзилар «ваъз айтадиган», ҳақиқатни эълон қиладиган, бошқалар эса фақат «уқиб оладиган» пайтлар, рўйрост мулоқотга ўрин қолмайдиган пайтлар таг-томири билан тугатилиши керак. Ялписига ёндашувга, оммавий «қамраб олиш»нигина кўзлашга чек қўйиш лозим.

Ҳар қандай ишнинг муваффақияти энг аввало одам билан белгиланади. Жадаллаштириш соҳасидаги ишларимизнинг негизи, қайта қуришнинг ўзгармас характери одамларнинг актив позицияни эгаллашларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам партия ташкилотларининг бурчи — социалистик ўз-ўзини бошқариш, демократия меъёрларини оғишмай кенгайтириб, ҳар бир совет гражданида мамлакат соҳиби туйғусини тарбиялаб, ана шундай позицияни шакллантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишдан иборат. Ҳаёт айни шуни тақозо этмоқда.

(«Правда» газетасининг 17 ноябрдаги бош мақоласи).

# СССР Олий Совети палаталари Ташқи ишлар комиссияларида

17 ноябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлис ишида Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси — КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин қатнашдилар.

Мажлисни Е. К. Лигачев олиб борди.

Бўлиб ўтган фикрлашувлар натижасида комиссиялар Рейкьявикда олий даражада ўтказилган Совет — Америка учрашувидан кейин вужудга келаётган вазият муносабати билан СССР Олий Советида «Жаҳон парламентларига ва халқларига» Мурожаатнома қабул этиш ташаббуси билан чиқишга қарор қилдилар.

(ТАСС).

## РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**● НАМАНГАН**

Уйчи районида йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилди. Уйчиликлар давлат омборларига 41710 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан 35,1 центнердан хирмон кўтарилди. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказган «Гулистон», «ВЛКСМ 60 йиллиги», Калинин номли совхозлар ва Тельман номли колхоз пахтакорлари мўл ҳосил кўтариб, социалистик мусобақа илғорлари бўлишди. Район миришкорлари яна 500 тонна пахта тайёрлаш ва ҳосилдорликни 35,5 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

**● СИРДАРЁ**

Ховос райони пахтакорларидан зафар марраси эгаллангани ҳақида хушхабар олинди. Бу ерда тайёрланган 13755 тонна пахтанинг 60 проценти машиналар ёрдамида териб олинди. Ялпи хирмоннинг 70 проценти юқори сортларга қабул қилинди. Бу меҳнат муваффақиятига «Дружба», Жўрахон Усмонов номли, «Фарҳод» совхозларининг деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. Абдумавлон Алимов, Бектўра Йўлдошев, Абдуҳофиз Каримов, Қаҳҳор Рустамов каби пешқадам механизаторлар 100—150 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлишди. Районда яна 350 тонна пахта тайёрлаш учун кураш кетмоқда.

